

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Абу Райхон Беруний номидаги

Тошкент Давлат Техника Университети

«Энергетика» факультети

«Электротехника ва касб-таълими» кафедраси

Бобоназаров Умиржон Баходирович

Мавзу: Касб-хунар коллежларда «Умумий электротехника ва электроника асослари» фанидан «Бир фазали ярим утказгичли тугирлагичлар электр схемалари» мавзусида виртуал лаборатория машгулотини утказиш услубияти

**5140900-Касб таълим (5521300 – Электр техника, электр механика ва электр технологиялар)
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

Битирув малакавий иш

Кафедра мудири:

проф. Абдуллаев Б.А.

Рахбар:

Идрисхужаева М.

Тошкент 2011

Мундарижа

1. Кириш	бет
2. Асосий қисм.....	бет
2.1. Назарий тушунчалар.....	бет
2.2. “Электротехника ва электроника асослари” фанидан виртуал лаборатория ишларини бажаришда «MULTISIM-10» дастурини қўллаш.....	бет
2.3. «MULTISIM - 10» дастурининг виртуал шакллари.....	бет
3. Ярим утказгич «тўғирлагичлар» схемалари асосида виртуал лаборатория ишларини бажариш услубияти	
3.1. Бир фазали синусоидал узгарувчан токни, узгармас токка тугрилаш виртуал электр схемалари.....	бет
4. Хулоса.....	бет
5. Педагогик қисм.....	бет
6. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги	бет
7. Экология.....	бет
8. Интернет маълумотлари.....	бет
9. Адабиётлар.....	бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«Энергетика» факультети «Электротехника ва касб-таълими» кафедраси

Касбий таълим (энергетика) йўналиши

107 - 07 гуруҳ

Тасдиқлайман _____

Каф. мудири проф. Абдуллаев Б.А.

2011 йил _____

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба **Бобоназаров Умиржон Баходирович**

(ф.и.ш.)

1. Битирув ишининг мавзуси: **Касб-хунар коллежларда «Умумий электротехника ва электроника асослари» фанидан «Бир фазали ярим утказгичли тугирлагичлар электр схемалари» мавзусида виртуал лаборатория машгулотини утказиш услубияти**

« _____ » _____ 2011 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати **2011 йил 1 июнь**

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар **Касб-хунар коллежларида ўқитиладиган «Умумий электротехника ва электроника асослари» фанидан ўқув дастури, «MULTISIM – 10» виртуал дастури, Интернет маълумотлари.**

4. Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

1. Кириш

2. Асосий қисм

2.1. Назарий тушунчалар

2.2. «Электротехника ва электроника асослари» фанидан лаборатория

ишларини бажаришда «MULTISIM - 10» дастурини қўллаш

2.3. «MULTISIM - 10» дастурининг виртуал шакллари

3.1 Бир фазали бир ярим даврли тугирлагичнинг виртуал электр схемаси

3.2. Бир фазали икки ярим даврли тугирлагичларнинг виртуал электр схемалари

4. Хулоса

5. Педагогик қисм

6. Хаёт фаолияти хавфсизлиги

7. Экология

8. Интернет маълумотлари

9. Адабиётлар

5. График ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1-чизма: «MULTISIM - 10» дастурининг виртуал шакллари.

2-чизма: Бир фазали бир ярим даврли тугирлагичнинг виртуал электр схемаси

3-4 чизма: Бир фазали икки ярим даврли тугирлагичларнинг виртуал электр схемалари

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№№ п-п	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф., и., ш.	Имзо, сана	
			топшириқ берилди	топшириқ бажарилди
1.	Кириш	Идрисхужаева М.	11.04.09й.	30.04.09й.
2.3.	Асосий қисм			
4.	Хулоса			
5.	Педагогик қисм	Идрисхужаева М.	01.05.09й.	16.05.09й.
6.	Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги			
7.	Экология			
8.	Интернет маълумотлари			
9.	Адабиётлар		18.05.09й.	25.05.09й.

7. Битирув ишини бажариш режаси

№№ п-п	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси	
1.	Кириш	11.04.09й. 30.04.09й.		
2.	Асосий қисм			
2.1.	Назарий тушунчалар			
2.2.	“Электротехника ва электроника асослари” фанидан лаборатория ишларини бажаришда «MULTISIM - 10» дастурини қўллаш			
2.3.	«MULTISIM-10» дастурининг виртуал шакллари			
3.1.	Бир фазали бир ярим даврли тугирлагичнинг виртуал электр схемаси			
3.2.	Бир фазали икки ярим даврли тугирлагичларнинг виртуал электр схемалари			
4.	Хулоса			
5.	Педагогик қисм			01.05.09й. 16.05.09й.
6.	Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги			18.05.09й. 25.05.09й.
7.	Экология			
8.	Интернет маълумотлари			
9.	Адабиётлар			

Топшириқ берилган сана **2011 йил 11 апрел** _____

Битирув иши раҳбари **Идрисхужаева М.** (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим **2011 йил 11 апрел** _____

(сана) (имзо)

Битирувчи талаба **Бобоназаров У.Б.**

Кириш

1. Кириш

Техника йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг ўқув режасида “Умумий электротехника ва электроника асослари” фанларидан ўқувчиларга назарий ва амалий ўқув машғулотлари режалаштирилган.

Касб-ҳунар коллежларида “Умумий электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси ўқувчиларга электромагнит занжирлар, электр манбалари, доимий ва ўзгарувчан тоқларни ишлаб чиқариш электр машиналари, электр жиҳозлар, электр аппаратлар, электрон ва ўлчов асбоблари, электрон техникасини тузилиши, тавсифи ва ишлаш принципларини ўргатишдан иборат.

Фанни ўрганиш натижасида ўқувчилар электр аппаратлари, жиҳозлари, ўлчов ва электрон асбобларининг техник тавсифини аниқлаш, электр схемалари ҳисобларини бажариш, электр ўлчов асбобларидан тўғри фойдаланиш, электр асбоблари ва жиҳозларининг нуқсонларини аниқлаш ва уларни таъмирлаш, техника хавфсизлик қоидаларига амал қилинган ҳолда электр ускуналар билан ишлаш кўникмаларга эга бўлишади.

Фанни ўрганиш учун ўқувчилар физика ва электротехника қонунлари, электр истеъмолчиларини ва манбаларини улашиш усуллари, электр асбобларини тузилиши ва уларнинг ишлаш принципини, электр ўлчов бирликлари, электр манбалари ва истеъмолчиларини улашда ва улар билан мулоқотда бўлганда техника хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари бўйича бошланғич билимларга эга бўлишлари лозим.

Умумий ҳолда, мазкур фандан ўқув соатлари 40 соатдан 80 соатгача бўлган ҳажми ташкил этади ва шундан лаборатория машғулотлари 18 соат ҳажмда бажарилади. Мазкур йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари учун тузилган “Умумий электротехника ва электроника асослари” фанининг ўқув дастуридаги назарий ва амалий машғулотларининг намунавий режаси

1- жадвалда келтирилган.

“Умумий электротехника ва электроника асослари” фанининг «Электроника асослари» булимидаги «Ярим утказгич асбоблар» ва “Электрон тўғрилагичлар ва стабилизаторлар” қисмларида ўқувчиларга 4 соат назарий ва 4 соат лаборатория ишлари, жами 8 соат ҳажмда ўқув машғулотлари режалаштирилган. Бунда ўқувчиларга ярим утказгич элемент-диоднинг структуравий тузилиши, ишлаш принципи ва вольт-ампер тавсифи қисқача тушунтирилади ҳамда, бир ва уч фазали ўзгарувчан токни узгармас токка узгартиришни таъминлаб берувчи электр занжирларнинг виртуал схемаларини MULTISIM - 2010» (кейингида «MS-10») дастурида йиғиш ва урганиш орқали лаборатория ишларини бажариш услубияти кулланилади.

№	Бўлим ва мавзулар номи	Аудиториядаги ўқув юклар маси, соатларда						Мустақил иш
		Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Лаборатория ишлари	Семинарлар	Курс иши	
1 - бўлим. Умумий электротехника								
1.1.	Электр майдони	2	2					
1.2.	Ўзгармас ток электр занжирлари	8	4		4			
1.3.	Электромагнитизм	4	4					
1.4.	Бир фазали ўзгарувчан ток занжирлари	10	4	2	4			
1.5.	Уч фазали ток занжирлари	8	4	2	2			
1.6.	Электр ўлчовлари	4	2		2			
1.7.	Трансформаторлар	4	4					
1.8.	Ўзгармас ток электр машиналари	4	4					
1.9.	Ўзгарувчан ток электр машиналари	6	6					
1.10.	Автоматиканинг электр ва магнит элементлари	4	4					
1.11.	Электр юритма асослари	4	4					
1.12.	Электр энергияни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш	4	4					
2 – бўлим. Электроника асослари								
2.1.	Электрвакуум ва газоразрядли асбоблар	4	2		2			
2.2.	Ярим ўтказгичли асбоблар	4	2		2			
2.3.	Фотоэлектрон асбоблар	2	2					
2.4.	Электрон тўғрилагичлар ва стабилизаторлар	4	2		2			
2.5.	Электрон кучайтиргиялар	2	2					
2.6.	Электрон генераторлар ўлчов асбоблари	2	2					
	Жами	80	58	4	18			34

Асосий қисм

2. Асосий қисм

2.1. Назарий тушунчалар.

Ярим утказгичли диод узгарувчан токни тугрилашда (узгармас токка айлантиришда) ишлатилади. Бундай асбоблар узгарувчан ва узгармас ток стабилизаторларида, бошкарилувчи тугрилагичлар яратишда, умуман узгартириб берувчи техниканинг бошка курилмаларида, шунингдек, бошкариш системаларида кенг кулланилади.


Хамдустлик мамлакатлари саноати ишлаб чиқараётган ярим утказгичли диодлар ихчам, кичик улчамли статик ток узгартгичлар яратишга имкон беради. Булар саноатда, темир йулда, шаҳар транспортида, самолётлар ва бошка жойларда кенг кулланилади. Турли тугрилагичлар электр машиналарининг магнит майдонини ҳосил қилишда, узгармас ток электр юритмаси системасида двигателларни, шунингдек химия саноатида электролиз курилмаларини электр энергияси билан таъминлашда, рангли металлургияда ва ҳоказоларда кенг кулланади.

Ярим утказгичли асбоблар электромагнит асбобларга нисбатан ФИКнинг ва мустаҳкамлигининг юқорилиги, истаган фазовий ҳолатда ишлай олиши, катта инерцион юқламаларда ишлатиши мумкинлиги, катта бошкариш системаларининг курилмаларини микроминиатюризациялаш ва интеграция қилиш мумкинлиги каби афзалликларга эга.


Ярим утказгичли асбобларнинг ишлаш жараёни, электр утказувчанлиги турлича булган ярим утказгичли материалларнинг бир томонлама утқиш хусусиятига асосланган. Булар электрон (n-типдаги) ва тешикли (p-типдаги) электр утказувчанликлардир. n-типдаги электр утказувчанлик соҳасида токнинг утиши манфий зарядланган электронларнинг қучиши ҳисобига содир булади. Бу электронларнинг ортиқча миқдори ярим утказгичнинг монокристаллига донорли қушилмаларнинг (масалан, сурьма, мишьяк ва фосфор) қиритилиши билан ҳосил қилинади. p-типдаги электр утказувчанлик соҳасида эса токнинг утиши мусбат зарядланган "тешик"ларнинг қучиши ҳисобига содир булади. "Тешик" бу электрон етишмаган атом булиб, мусбат зарядга эгадир, абсолют миқдори буйича электроннинг зарядига тенг. Тешиклар ярим утказгичнинг монокристаллига акцепторли қушилмани (масалан, индий, бор ва алюминий) қиритиш билан ҳосил қилинади.

Биттаси электрон, иккинчиси тешикли электр утказувчанликка эга булган ярим утказгичларни бевосита бирлаштирганда (контактлашганда) электрон-тешик утиши (p-n утиш) ҳосил булади. Утишнинг асосий хусусияти унинг қаршилигини миқдори берилаётган қучланишнинг қутбига боғлиқлигидадир, p-n утишли ярим утказгичларни ташқи занжирга улаш учун унинг қисмалари билан контакт ҳосил қилинади. Ярим утказгични тугри улаганда, унинг p соҳасига қучланишнинг мусбат қутбини, n соҳасига эса манфий қутбини берганимизда p-n утишнинг қаршилиги минимумгача қамаяди. Тесқари улаганда эса p-n утишнинг қаршилиги катта булади. **(2.1. расм)**.


Структураси p-n утишли икки қатламли ярим утказгич асосида ишланган асбоб диод ёки бошкарилмайдиган вентиль дейилади. n типдаги электр утказувчанликли ярим утказгич қатламига уланадиган электрод катод, p типдаги электр утказувчанлик қатламига уланадиган электрод эса анод ҳисобланади **(2.1.расм)**. Диоднинг шартли белгиси эса **2.2.расмда** қурсатилган.



2.1. расм



2.2-расм



2.3-расм.

I. Электрон – тешик утишнинг хусусияти, p-n утишдаги токнинг катталиги ва кутби, унга берилган кучланишга боғликлигини курсатувчи вольт-ампер характеристикасида яққол тасвирланган (2.3-расм). Вольт-ампер характеристика куйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

тескари туййиниш токи - $I_{\text{теск}}$;

максимал тескари кучланиш – $U_{\text{теск.мак}}$;

дифференциал каршилиқ - $r_o = \frac{\Delta U_{\text{тугр}}}{\Delta I_{\text{тугр}}}$;

тугрлашнинг статик ва динамик коэффицентлари - $K_{\text{тугр ст}}$; $K_{\text{тугр дин}}$;

минимал ёниш (пороговое) кучланиши – U_0 ;

p-n утишнинг хусусиятига температуранинг таъсири.

II. Дiodларнинг асосий параметрлари: тугрланган максимал ток $I_{\text{тугр макс}}$ да кучланишнинг тугри йуналишдаги пасаяви $U_{\text{тугр}}$, максимал тескари кучланиш – $U_{\text{теск макс}}$, максимал тескари ток $I_{\text{теск макс}}$ максимал сочилган қувват $P_{\text{соч.мак}}$; электродлараро сизим – C ; мумкин булган максимал частота – f ; ишлаш температурасининг диапозони.

2.2. “Электротехника ва электроника асослари” фанидан виртуал лаборатория ишларини бажаришда «MULTISIM - 2010» дастурини қўллаш


Касб-хунар коллежларида мавжуд бўлган компьютер базалари “Электротехника ва электроника асослари” фанидан лаборатория ишларини бажаришда электр схемаларини моделлаштириш ва тахлил этиш учун «MULTISIM - 2010» (кейинда «MS-10») дастурини укув жараенида куллаш жуда кулай хисобланади. «MS-10» дастури асосида фандан назарий ва амалий машғулотларни ўқитиш барча ўқувчиларга ҳамда янги электротехник курилмаларни тадқиқот қилаётган педагогларга самарали натижалар келтиради.

«MS-10» дастури шартли белгилар–пиктограммлар билан ифодаланган электр занжирларининг кенг виртуал элементларига эга булиб, уларда реал физик элементларнинг асосий хусусиятлари мавжуд булганлиги учун хақиқий виртуал лаборатория сифатида кулланилиши мумкин. Компьютер мониторинг экранида виртуал элементлардан виртуал электр схемани йигиб электр улчов, назорат ва куриш асбобларини улаш орқали электр занжирини тулик тахлил этиш, тургун ва уткинчи жараёнларда урганиш мумкин.


«MS-10» дастури билан лаборатория ишларини 486 ва ундан юкори процессорли шахсий компьютерларда барча шароитларда бажариш мумкин. Шунингдек, мазкур дастур масофавий ўқитиш орқали таълим беришда жуда юкори имкониятларга эга. Чунки, укувчи кул остидаги услубий кулланмалардан фойдаланган холда, иш ёки уй шароитида шахсий компьютерда дастур куллаб электр схемаларини мустикал йигиб урганиш имкониятига эга булади ҳамда, мустикал таълим орқали малака куникмаларини оширади.

2.3. « MULTISIM – 10 » дастурининг виртуал шакллари

Виртуал электр энергия манбалари:




- а). Идеал доимий кучланиш манбаси. б). Идеал узгарувчан кучланиш манбаси.
в). Реал доимий кучланиш манбаси.



- а). Идеал доимий ток манбаси.



- б). Идеал узгарувчан ток манбаси.




- а). Кучланиш датчиги.

- б). Ток датчиги.


Виртуал электр ва яримутказгич элементлар ҳамда курилмалар:



г).



д).



е).

- а). Узгармас ва узгарувчан каршилик. б). Узгармас ва узгарувчан сизим.
в). Узгармас ва узгарувчан индуктив галтак. г). Чизикли трансформатор.
д). Ночизикли трансформатор. е). Узгармас ток электр двигатели.

**Ярим утказгич “тўғирлагичлар” электр
схемалари асосида виртуал лаборатория
ишларини бажариш услубияти**

3. Ярим утказгич “тўғирлагичлар” электр схемалари асосида виртуал лаборатория ишларини бажариш услубияти

3.1. Бир фазали синусоидал узгарувчан токни узгармас тока тугрилаш виртуал электр схемалари

I. Ишни бажаришдан мақсад:

1. Синусоидал узгарувчан токни (кучланишни) тугрилашнинг виртуал схемалари билан танишиш ва тугриланган токнинг (кучланишнинг) шаклини осциллограммадарда урганиш.
2. Тугрилаш коэффициентини экспериментал аниқлаб, уни назарий ҳисоблар билан солиштириш.
3. Тугриланган кучланиш ва токнинг шакллари виртуал сизим ёки индуктив-сизим филтёрлари ёрдамида текислаш жараёнини урганиш.



II. Ишга оид назарий тушунчалар:

Электр энергиясининг бир канча истеъмолчилари (электр транспорти, электролиз, алоқа аппаратлари, автоматика ва телемеханика асбоблари ва б.) узгармас ток манбаидан ишлайдилар. Аммо бу истеъмолчиларни узгармас токни алоҳида манбаи (узгармас ток генераторлари ва кимёвий манбалари ва б.) билан таъминлаш ҳамма вақт ҳам мумкин булавермайди. Узгарувчан ток манбалари куп тарқалганлиги, уз навбатида узгарувчан токни узгармас токка айлантириш вазифасини куяди. Бундай узгартиришнинг маъноси истемолчига узгарувчан ток (кучланиш) манбаидан келатган электр зарядларининг бир томонлама ҳаракатини таъминлашдан иборат. Шундай қилиб, бундай узгарткичларнинг чиқиш томонига уланган истеъмолчиларда ток бир томонга оқади. Узгарувчан токни тугрилаш деган ном ана шундан келиб чиққан. Узгарувчан токни тугрилаш учун бир томонлама утказиш хусусиятига эга булган асбоблардан, яъни тугрилагичлардан фойдаланилади. Тугрилагичларнинг электронли, ионли ярим утказгичли ва электромеханикали турлари бор. Ҳозирги замон техникасида ярим утказгичли тугрилагичлар кенг тарқалган.


2.4.расмда бир фазали узгарувчан токни ярим утказгичли тугрилагичлар ёрдамида (В вентилярда) тугрилашни битта ярим даврли (**2.4.расм, а**) иккита ярим даврли трансформаторнинг урта нуқтаси билан (**2.4.расм, б**) ва ниҳоят куприк (**2.4.расм, в**) схемалари курсатилган. Барча схемаларда ток вентиль орқали фақат бир томонга (схемаларда чапдан уннга) утиши мумкин, чунки ярим утказгични тугри йуналишда улаганда унинг утиш (ички) қаршилиги булади. Тесқари йуналишда ток ута олмайди, чунки $r_n = \infty$. Масалан **2.4.расм, а** даги занжир учун кучланиш синусоидасининг битта даври T давомида (**2.4.расм, з**) юклама қаршилиги r_n да синусоиданинг мусбат ярим тулкинига тенг кучланишнинг пасаюви ҳосил булади. Бундаги кучланишнинг уртача қиймати U_{yp} ана шу мусбат ярим тулкининг юзасига тенг, яъни

$$U_{yp} = \frac{1}{T} \int_0^{T/2} u dt = \frac{1}{T} \int_0^{\pi} U_m \sin \omega t dt = \frac{1}{\omega T} \int U_m \sin \omega t d(\omega T) = \frac{U_m}{2\pi} \left| \cos \omega t_0^{\pi} \right| =$$
$$= \frac{U_m}{\pi} = \frac{\sqrt{2}U}{\pi} = 0,45U$$


Демак, синусоидал кучланишнинг уртача ёки тугриланган U_{yp} қиймати, юзаси бир давр ичида мусбат ярим тулкининг юзасига тенг булган $abcd$ тугри турт бурчакнинг баландлигига тенг.



2.4. расм



2.5-расм



2.6-расм

Битта ярим даврли тугрилагичда (**2.4. расм, а**) тугриланган кучланишнинг уртача киймати, занжирга берилган узгарувчан кучланиш таъсир этувчи кийматнинг 45% ни ташкил этади. У холда тугрилагичнинг тугрилаш коэффиценти $K_T = 0,45$.

Иккита ярим даврли тугрилаш схемаларида эса, вентиллар B_1 ва B_2 (**2.4. расм, б**) ҳамда B_1-B_3 ва B_2-B_4 (**2.4. расм, в**) таъминлайди. Бу холда кучланиш уртача ёки тугриланган киймати:

$$U_{yp} = \frac{2}{T} \int_0^{T/2} u dt = \frac{2\sqrt{2}U}{\pi} = 0,9U.$$

Тугрилагичнинг тугрилаш коэффиценти $K_T = 0,9$.

Бир фазали узгарувчан токни тугрилаш учун асосан куприк схема (**2.4.расм,в**) кулланилади. Масалан, радиоприёмникларда ва телевизорларда ана шундай схемадан фойдаланилади.

Куп фазали тугрилагичларда тугриланган кучланишнинг сифати бирмунча мукамал хисобланади. Буларнинг ичида энг куп таркалгани уч фазали узгарувчан токни узгармас токка айлантириб берувчи уч фазали тугрилагичлар хисобланади. **2.5.расм, а ва б** да уч фазали токларни битта ва иккита ярим даврли тугрилаш схемалари курсатилган. Бу схемаларда, масалан **2.5.расм, а** даги занжирда B_1, B_2 ва B_3 вентилларнинг хар бири учдан бир $T/3$ даврда **2.5. расм, б** даги занжирда эса вентилларнинг хар бири олтидан бир $T/6$ даврда ишлайдилар.

Агар уч фазали битта ярим даврли тугрилагичнинг (**2.5.расм,а**) ишлашни курадиган булсак, унда вентиль B_1 вакт t_1 дан t_2 гача, B_2 вентиль t_2 дан t_3 гача ва, ниҳоят, B_3 вентиль t_3 дан t_4 гача булган интервалларда ишлайди. Шундай килиб, хар бир вентилга синусоидаларнинг $\omega t_1 = \frac{\pi}{6}$ ва $\omega t_2 = \frac{5\pi}{6}$ фазалари орасидаги мусбат тулкининг бир кисми тугри келади (**2.5. расм,в**) у холда тугриланган кучланишнинг уртача киймати

$$U_{yp} = \frac{3U_m}{T} \int_{\pi/6}^{5\pi/6} \sin \omega t dt = \frac{3\sqrt{2}U}{2\pi} \left| \cos \omega t \right|_{\pi/6}^{5\pi/6} = \frac{3\sqrt{2} \cdot \sqrt{3}U}{2\pi} = 1,17U.$$

Демак, тугрилагичнинг тугрилаш коэффиценти $K_T = 1,17$. Умумий холда m – фазали тугрилагичнинг тугрилаш коэффиценти

$$K_T = \frac{m\sqrt{2}}{\pi} \sin \frac{\pi}{m} = \sqrt{2} \frac{\sin \frac{\pi}{m}}{\pi/m}.$$

Масалан, уч фазали куприк схемаси учун (**2.5. расм, б** да $m=6$) тугрилаш коэффиценти $K_T = 1,41$ булиб, тугриланган кучланиш занжирнинг кириш томонидаги узгарувчан кучланишнинг амплитуда кийматига тенгдир. Тугриланган кучланиш эгри чизигининг шаклидан куринадики (**2.5. расм, г ва д; 2.5. расм, в ва г**), тугрилагичларнинг чикиш томонидаги кучланишларнинг факат йуналиши узгармас булиб, микдори (амплитудаси) жихатдан пульсацияланувчидир. Пульсацияни камайтириб, тугриланган кучланиш шаклининг эгрилигини иложи борича тугри чизикка якинлаштириш учун текисловчи филтрлардан (**2.6. расм, а ва б**) фойдаланилади.

III. Ишни бажариш тартиби:

1. Бир ярим даврли тугрилагичнинг виртуал электр схемасини (1 ва 2 схема) йигиш тартиби:

1.1.Компьютерда “Пуск”ни босиб, MULTISIM – 2001 дастури кирилади. Мониторнинг экранда дастурнинг “Катта ойна”си очилади ва чап тарафда виртуал электр элементлар, ўнг тарафда виртуал ўлчов асосларининг тасвирлари кўринади.

1.2.Ўқитувчининг топшириғига биноан, ўқувчилар томонидан “Катта ойна” нинг виртуал электр элементлар қаторидан кучланиши $U=220$ В, частотаси $f = 50$ Гц бўлган $V1$ виртуал синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбаи, қаршилиги $R1=500$ Ом бўлган виртуал резистор, сизими $C1=0,05$ мкФ конденсатор ва $D1$ виртуал диод элементи танлаб олинади.

1.3.Уқувчилар томонидан кучланиши $U=220$ В ва частотаси $f = 50$ Гц қийматга эга бўлган $V1$

виртуал синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбасига, қаршилиги $R1=10 \text{ Ом}$ бўлган виртуал резистор, сизими $C1=0,05 \text{ мкФ}$ конденсатор ва $D1$ виртуал диод элементи уланган битта ярим даврли тугрилагичнинг виртуал электр занжири йиғилади.

1.4. Уқувчилар томонидан “**Катта ойна**” нинг виртуал ўлчов асбоблари қаторидан узгарувчан ток ва кучланиш қийматларини ўлчаш учун **XMM1** виртуал **вольтметр**, **D1** виртуал диоддан оқиб ўтаётган ўзгармас ток ва кучланиш қийматларини ўлчаш учун виртуал **XMM2** **амперметр** ва **XMM3** **вольтметр** танлаб олинади ва электр занжирига уланади.


1.5. **V1** виртуал манбадаги синусоидал ўзгарувчан ва виртуал **R1** қаршиликдаги тугирланган кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммаларини кузатиш учун **XSC1** виртуал осциллограф уланади.

1.6. Ўқитувчи томонидан виртуал электр занжирининг йиғилиши текшириб берилгандан сўнг, “**Катта ойна**” нинг ўнг юқори бурчагида жойлашган **0-1** калитни улаб, электр занжири ишга туширилади.

1.7. **XMM1**, **XMM2**, **XMM3** виртуал ўлчов асбобларидаги қийматлар ва тугрилагичнинг тугирлаш коэффициенти (**K**) қиймати **2** – **жадвалга** ёзилади.

1.8. **XSC1** осциллографдаги ўзгарувчан ва тугирланган кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари (**1** ва **2** **диаграмма**) кузатилади.


1.1. Бир ярим даврли тугрилагичнинг виртуал электр схемаси – филтросиз.



1 – схема


V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM1 вольтметрдаги киймати: $U = 155,563$ В/.
 Тугриланган кучланишининг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U_T = 69,631$ В/.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 69,631 / 155,563 = 0,447$

Виртуал V1 синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбадаги ва R1 қаршиликдаги тугирланган ўзгармас кучланишининг тебранма харакат диаграммалари.



1 - диаграмма


1.1. Бир ярим даврли тугрилагичнинг виртуал электр схемаси – сизим фильтри уланган.



2 – схема

V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM1 вольтметрдаги киймати: $U = 155,563$ /В/.
 Тугриланган кучланишнинг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U_T = 164,622$ /В/.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 164,622 / 155,563 = 1,06$

Виртуал V1 синусодал ўзгарувчан кучланиш манбаидаги ва R1 қаршиликдаги тугирланган ўзгармас кучланишнинг тебранма ҳаракат диаграммалари.



2 - диаграмма

2. Икки ярим даврли (куприк) тугрилагичнинг виртуал электр схемасини (3 ва 4 схема)

йигиш тартиби:


2.1. Тугрилагичнинг виртуал электр схемасини йигиш юкоридаги тартибида амалга оширилади.

2.2. Ўқитувчи томонидан виртуал электр занжирининг йиғилиши текшириб берилгандан сўнг, “**Катта ойна**” нинг ўнг юқори бурчагида жойлашган **0-1** калитни улаб, электр занжири ишга туширилади.

2.3. **XMM1, XMM2** виртуал ўлчов асбобларидаги қийматлар ва тугрилагичнинг тугирлаш коэффициентини (**K**) қиймати **2** – **жадвалга** ёзилади.

2.4. **XSC1** ва **XSC2** осциллографлардаги ўзгарувчан ва тугирланган кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари (**3 ва 4 диаграмма**) кузатилади.


2.1. Икки ярим даврли (куприксимон) тугрилагичнинг виртуал электр схемаси - филтросиз



3 - схема


V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM1 вольтметрдаги киймати: $U = 16,971 \text{ В}$.
 Тугриланган кучланишининг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U_T = 13,77 \text{ В}$.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 13,77 / 16,971 = 0,81$

Виртуал V1 синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбаидаги ва R1 қаршилиқдаги тугирланган ўзгармас кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари.



3 – диаграмма


2.1. Икки ярим даврли (куприксимон) тугрилагичнинг виртуал электр схемаси – сигим фильтри уланган.



4 - схема

V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM1 вольтметрдаги киймати: $U = 16,971 \text{ В}$.
 Тугриланган кучланишнинг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U_T = 21,274 \text{ В}$.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 21,274 / 16,971 = 1,25$

Виртуал V1 синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбаидаги ва R1 қаршилиқдаги тугриланган ўзгармас кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари.



4 - диаграмма

3. Икки ярим даврли (каршилиқ трансформаторнинг урта нуктасига уланган) тугрилагичнинг виртуал электр схемасини (5 ва 6 схема) йигиш тартиби:


3.1. Тугрилагичнинг виртуал электр схемасини йигиш юқоридаги тартибида амалга оширилади.

3.2. Ўқитувчи томонидан виртуал электр занжирининг йиғилиши текшириб берилгандан сўнг, “**Катта ойна**” нинг ўнг юқори бурчагида жойлашган **0-1** калитни улаб, электр занжири ишга туширилади.

3.3. **XMM1, XMM2, XMM3, XMM4** виртуал ўлчов асбобларидаги қийматлар ва тугрилагичнинг тугирлаш коэффициентини (**K**) қиймати 2 – жадвалга ёзилади.

3.4. **XSC1** осциллографдаги ўзгарувчан ва тугирланган кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари (**5 ва 6 диаграмма**) кузатилади.


3.1. Икки ярим даврли (каршилиқ трансформаторнинг урта нуктасига уланган) тугрилагичнинг виртуал электр схемаси - филтрсиз



5 – схема


V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U = 49,494 \text{ В}$.
 Тугриланган кучланишнинг XMM4 вольтметрдаги киймати: $U_T = 12,487 \text{ В}$.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 12,487 / 49,494 = 0,25$

Виртуал V1 синусоидал ўзгарувчан кучланиш манбаидаги ва R1 каршилиқдаги тугриланган ўзгармас кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари.



5 - диаграмма


3.1. Икки ярим даврли (каршилик трансформаторнинг урта нуктасига уланган) тугрилагичнинг виртуал электр схемаси – сизим фильтри уланган



6 - схема

V1 манба узгарувчан кучланишининг XMM2 вольтметрдаги киймати: $U = 49,499$ В/.
 Тугриланган кучланишнинг XMM4 вольтметрдаги киймати: $U_T = 30$ В/.
 Тугрилаш коэффициентининг киймати: $K_T = U_T / U = 30 / 49,499 = 0,6$

Виртуал V1 синусодал ўзгарувчан кучланиш манбаидаги ва R1 қаршиликдаги тугриланган ўзгармас кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари.



6 - диаграмма

Виртуал электр схема раками	Виртуал электр схемалар шакли					
	фильтрsiz			фильтр уланган		
	U_1	U_2	$K = \frac{U_2}{U_1}$	U_1	U_2	$K = \frac{U_2}{U_1}$
	В	В		В	В	
1 – 2						
3 – 4						
5 - 6						

2. Виртуал ўлчов асбоблари курсатган кучланишлар қийматларига биноан ҳисобланган тугирлаш коэффициентларининг (K_t) қийматлари асосида тугирлагич схемаларига баҳо берилади.

3. Виртуал осциллографдаги ўзгарувчан ва тугирланган кучланишларнинг тебранма ҳаракат диаграммалари асосида тугирлагич схемаларининг сифати кузатилади.

4. Тажриба машгулотининг якунида укувчиларнинг узлаштириш даражаси куйидаги назорат саволлари билан текширилади:

- "р-п" утиш деб нимага айтилади?

-Ярим утказгичли диоднинг тузилиши ва ишлаш жараёнини тушунтириб беринг.

-Диоднинг вольт-ампер характеристикалари қандай қуринишга эга?

-Диод қайси соҳаларда қулланилади?

-Узгарувчан токни тугирлаш жараёни нимадан иборат?

-Тугирлагичнинг тугирлаш коэффициенти (K_t) қиймати қандай аниқланади ?

-Синусоидал узгарувчан кучланишнинг уртача ёки тугирланган қиймати нимага тенг?

-Текисловчи филтрларнинг вазифаси нимадан иборат?

Хулоса

4. Хулоса

